

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Н.А.Ашурметова

и.ф.н., доцент (илемий раҳбар)

А.И.Усмонов

(1-босқич талабаси) Тошкент давлат аграр университети

Сўнгги йилларда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари иқтисодиётда ҳам интеграцион тенденцияларни кучайтириб, ташқи бозор билан доимий равишда алоқаларни таъминлашни талаб қилмоқда. Мамлакатнинг барқарор ривожланишида, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлашда, мавжуд ресурслардан атроф-муҳит ҳамда келажак авлод манфаатларига заарар етказмаган ҳолда оқилона фойдаланишида инновацион фаолият муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш жараёнлари олиб борилаётганлиги, янгича хорижий илғор бошқарув тизимлари асосида бозор механизмлари такомиллаштирилаётганлиги фан ва техника ютуқларини иқтисодиётга янада кенгроқ жалб этишни тақозо қилмоқда. Мазкур вазифаларни самарали ҳал этишнинг йўли – миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу йўналишдаги муаммо сифатида бир неча жиҳатларни комплекс қамраб олиниши заруриятини туғдиришини келтириш мумкин. Бунда, бевосита иқтисодиёт соҳасигагина эмас, балки мамлакат таълим тизими, илм-фан тармоқлари фаолияти, инсон капитали ҳам биргаликда таҳлил қилиш тақозо қилинади.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни тадқиқ қилиш мақсадида тизимли таҳлилнинг алоҳида бир тури ҳисобланувчи индикатив ёндашув танлаб олинди. Бугунги кунда инновацион ривожланишининг ҳолатини аниқлаш бўйича бир қатор индикаторлар ишлаб чиқилган. [3] Фикримизча, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини аниқлашда қуйидаги индикаторлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ (1-расм).



1-расм. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ҳолатини аниқлаш индикаторлари тизими

Юқоридаги индикаторлар таҳлили орқали миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш даражаси, давлатнинг инновацияга бераётган аҳамияти, илм ва фаннинг ривожланиш даражасини аниқлаш имконияти яратилади ҳамда истиқболда инновацион ривожланиш йўналишларини белгилашда оқсаётган бўғинни ажратиб олишга хизмат қиласди. [2]

Мамлакатимиз шароитида инновацияларга сарф қилинган харажатлар миқдори ўзгариш динамикасини таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда жами 4162,3 млрд сўм миқдорида харажат қилинган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 4,6 барабар ошиб, 19130,6 млрд сўмни ташкил этган (1-жадвал). Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 2,2 барабар ошиб, 40451,6 млрд.сўмни ташкил қиласди.

1-жадвал. Мамлактимизда инновацияларга сарф қилинган харажатлар миқдори ўзгариш динамикаси [4]

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд.сўм	18543,3	28871,5	26811,4	31142,8	27378,6	40451,6
Инновацияларга қилинган харажатлар, млрд.сўм	4162,3	4707,2	6603,5	6830,0	17680,8	19130,6

Республикамизда 2022 йилда жами 1323 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 1239 нафари (жами ташкилотларнинг 94 фоизи) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 84 нафари эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган (2-жадвал).

2 жадвал. Республикада жорий қилинган инновациялар сони[4]

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони:	1023	1024	1587	1217	1151	1323
технологик	975	982	1514	1148	1098	1239
маркетинг	22	17	28	37	29	32
ташкилий	26	25	45	32	24	52
Жорий қилинган инновациялар сони:	2046	2558	4689	4290	4148	3792
технологик	1946	2482	4427	4011	3936	3409
маркетинг	62	42	128	202	145	113
ташкилий	38	34	134	77	67	270

Кўриниб турганидек, таҳлил қилинган йилларда инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ кўрсаткичларда ижобий динамика кузатилмоқда, аммо дуне мамлакатлари билан солиширганда инновацияларга сарф этилаётган молиявий ресурслар ҳажми нисбатан паст кўрсаткичлари сақланиб қолмоқда. Фикримизда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга қизиқиши ортиб бораётган бугунги шароитда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг ягона

ечими бу илм ва фанни ривожлантириш орқали инновацион маҳсулотлар яратишни рағбатлантиришни, бунда давлат ва хусусий шерикчилиги асосида доимий ривожлантириб боришни тақозо этади. Инновацияларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин.

Биринчидан, инновациялар воситасида илмий-тадқиқот ҳамда фан-техника фаолияти натижаларини амалиётга татбиқ этиш имконини тақдим этилади. Бу эса, меҳнат жараёнларининг интеллектуаллашувига, иқтисодиётда фан сифимининг юксалишига ҳамда фан тармоғининг (таълим тизими билан биргаликда) ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши орқали тараққий этишига ёрдам беради.

Иккинчидан, инновациялар иқтисодиётнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлайди. Янги турдаги тармоқлар ёки товарлар ва технологияларнинг ўзлаштирилиши ушбу товарларнинг ишлаб чиқарилишида мутлақ ёки нисбий устунликка олиб келади.

Учинчидан, инновацион фаолиятнинг ривожланиши айрим турдаги товар ёки хизматлар, технологияларнинг яратилишига олиб келиб, республиканинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда восита бўлиб хизмат қиласди.

Тўртинчидан, инновациялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган товарлар (бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар) кўламининг ошиши кузатилади, уларнинг сифати яхшиланиб боради. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир шахс ва жамиятнинг эҳтиёжлари ўсишига ва бу эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади (эҳтиёжларнинг юксалиши ва табақаланиши қонуни) ҳамда бу орқали иқтисодий циклнинг узоқ вақт давомида сақланиб қолинишини таъминлайди.

Бешинчидан, инновациялар орқали иқтисодиётга янги ишлаб чиқариш омиларини жалб этишга, яратилаётган товарлар ва хизматларни мавжуд ресурслардан юқори даражада самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятини тақдим этади.

Олтинчидан, у ёки бу соҳанинг инновацияларни татбиқ этиш орқали ривожланиши мазкур соҳага хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ҳам тараққий этишига туртки беради ва миллий иқтисодиётнинг мультиплікаторлик эффекти орқали ривожланишига сабаб бўлади.

Еттинчидан, тадбиркорлик фаолиятига рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадбиркорларни максимал даражада фойда кўриш мақсадида янги бозорларни эгаллаш учун янги товар ва технологияларни ахтаришга ва ўзлаштиришга ундейди.

Саккизинчидан, инновацион ривожланиш мамлакатда янги турдаги соҳа ёки тармоқ яратилишига олиб келиши мумкин ҳамда бу орқали янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, инновацион ривожлантириш аҳоли даромадларининг кўпайишига сабаб бўлиб, турмуш фаровонлигини яхшиланади.

Шундай бўлсада, ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш бўйича қўйидагича бир қатор меъёрий-хуқуқий ва ташкилий муаммолар кузатилмоқда:

- республика иқтисодиётининг турли тармоқларида ишлаб чиқилаётган инновацияларни жорий этишда тармоқлар интеграцияси таъминланмаганлиги;
- яратилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг амалиётдан узилиб қолаётганлиги ёки уларни тижоратлаштириш (татбиқ этишда) даги муаммолар;
- мулкчиликнинг турли шаклидаги субъектларда инновацион фаолиятнинг замонавий бозор муносабатларидан келиб чиқиб ташкил этилмаганлиги;
- нодавлат секторининг инновацион фаолиятга нисбатан қизиқишнинг пастлиги;
- соҳада кадрлар билан боғлиқ муаммолар;
- мавжуд норматив-хуқуқий базанинг бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, интелектуал мулк ҳимояси борасидаги хуқуқий маданият этишмаслиги;
- соҳа ривожи учун молиявий ресурсларнинг этишмаслиги, айниқса инновацион фаолиятни кредитлаш ва сұғурталаш тизимида мавжуд муаммолар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожлантириш муаммоларини аниқлаш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш зарурати кундан кунга ортиб бормоқда. Юқоридаги ҳолатлар миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўзининг таъсирини ўтказиб келмоқда. Мавжуд омилларни тўғри йўналтирган ҳолда чора-тадбир ишлаб чиқиши Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардош бўлишига, замонавий техник ва технологик қуролланган ҳолда тараққий этишига, ўсиш суръатлари барқарорлигини сақлаб қолишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахтамов О.О. “Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш: муаммо ва истиқболлар” дисс. СТИБОМ - Т: 2016 йил.
2. Инновационное развитие сельского хозяйства и АПК в условиях ESG-трансформации /А. Н. Алексеев, Н. А. Ашурметова, А. В. Богоviz [и др.]. - Россия, Казань: Казанский государственный аграрный университет, 2021. - 189 с. - ISBN 978-5-907555-33-4. - EDN JJLYRU.
3. Муродхужаев А.А. Инновацион ривожланиш - бу келажак пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси, -Т:-2016 йил.
4. <https://stat.uz>